

6-1-2019

THE ORGANIZATION AND DEVELOPMENT TENDENCIES OF FREE ECONOMIC ZONES OF UZBEKISTAN

J. Karimqulov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Karimqulov, J. (2019) "THE ORGANIZATION AND DEVELOPMENT TENDENCIES OF FREE ECONOMIC ZONES OF UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 12.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ORGANIZATION AND DEVELOPMENT TENDENCIES OF FREE ECONOMIC ZONES OF UZBEKISTAN

This article analyzes trends in the establishment and development of free economic zones in Uzbekistan. According to the results of the analysis, these zones have been proposed to intensify the attraction of foreign investments.

Key words: Strategy of Action, Foreign Investment, Free Economic Zone, The Fund for Reconstruction and Development of Uzbekistan, tax incentives, infrastructure, investment activity, megapolis.

Introduction.In the framework of the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 Uzbekistan has a deep economic and social economy aimed at reducing state interference in economic liberalization and management, modernization, diversification of production, attraction of investments and improvement of investment climate, creation of jobs and growth of material welfare of citizens. reforms are underway.

At present, there are 21 free economic zones and more than 130 small industrial zones in the country. In Navoi, Angren, Jizzakh, Urgut, Gijduvon, Kokand and Hazorasp 62 projects worth \$ 486 million, more than 4,600 jobs were created. Consistent work on the development of 7 new free economic zones such as Nukus Farm, Zamin Farm, Kosonsoy Farm, Syrdarya Farm, Boysun Farm, Bustonlik Farm, Parkent Farm

Literature Review.Issues of attracting investment, types of activities and activities of FEZ in research, scientific works, brochures and articles by foreign economists T. Farole, J. Zhan, I. Shablinsky, V.Popov, T. Danko, K. Yeongjin studied. Also, some aspects and solutions of existing problems in the field of economics scientists of the republic A.V.Vakhabov, Sh.Khajibakiev, N.G.Muminov, S.S.Mirzalieva, Sh.I.Mustafakulov, A.A.Ostonakulov, M.A.Raimjonova, It has been researched and studied in the scientific works of S.S.Bozarov.

Economic literature published by the above scholars describes the free economic zones in different ways. In particular, T.Danko and ZM Okrugs consider Free Economic Zones as "... a mechanism to create a favorable investment climate and stimulate production, trade, and scientific activities."

The leading economists of the country are treated differently, with a greater emphasis on preferential order and administration in the free economic zones. Therefore, according to A.V.Vakhabov, Sh.Kh. Khajibakiev, N.G.Muminov, the free economic zone is a limited area with a special preferential economy for domestic and foreign entrepreneurs.

Analysis and Results.It is noteworthy that in order to accelerate the implementation of investment projects in the free economic zones, to procure high-tech equipment from abroad, a \$ 100 million credit line in foreign currency was opened at the expense of the Fund for Reconstruction and Development of Uzbekistan.

1 in 2008, 2 in 2012-2013, and the last two years 18 new economic zones were created. It is important that they have the opportunity to develop certain activities in different regions and to attract more foreign investors to the sectors of the economy.

Uzbekistan has established the necessary legislative framework, a system of tax and customs privileges and various preferences for attracting domestic and foreign investors to the free economic zones.

According to the legislation, the main directions and objectives of the activity of free economic zones in Uzbekistan are as follows:

- favorable conditions for attraction of foreign and local investors for creation of modern high-tech industries, provision of high-value competitive products, comprehensive and efficient use of the region's production and resource potential, in particular, creation of jobs and increasing incomes. Formation of conditions;
- direct involvement of local and foreign investors in the creation of modern production of high-quality import-substituting products on the foreign market;
- deepening of the process of localization of high-tech products on the basis of local raw materials and development of industrial cooperation between enterprises of the republic and free economic zones on the basis of narrow cooperative links;
- ensuring rapid growth of production, engineering communications, road transport, social infrastructure and logistics services;
- Creation of scientific production centers and training of highly qualified specialists, etc.

In the free economic zones, tax incentives are one of the main incentives for foreign investment. An important tool to stimulate investment activities in the free economic zones is to provide tax incentives for corporate income taxes, reduce the time for depreciation deductions, and provide tax credits.

Conclusions and suggestions. One of the main issues affecting the investment potential of the country is the rapid development of the free economic zones, attraction of foreign investors, directing the investment potential of the residents for free economic zones, and ensuring uninterrupted functioning of free economic zones

Today, it is appropriate to consider the Free Economic Zone as a megapolis, a tool for the gradual integration of foreign firms into the national economy, as one of the main conditions for the liberalization of the economy. Therefore, at the planning stage of the free economic zone, it is necessary to consider the possibility of direct and inverse relations of foreign firms with local entrepreneurs. Such links should ensure access to local raw materials, components, semi-finished products, integrated equipment and services.

Based on the data obtained from the research, we believe it is advisable to achieve the following:

- The development of engineering and communication infrastructure in attracting foreign investors to the free economic zones is considered to be a direct influence on the performance of foreign and domestic investors. It is desirable to carry out these tasks at the expense of local budgets.
- On the basis of free state facilities, small industrial zones can be created for certain sectors of the industry, including small industrial zone in the Pskkent district of Tashkent region for the production of home appliances, and small industrial zones on the basis of unused state facilities in the New Road District.

(Full article is available in Uzbek)

Каримқулов Жасур Имомбоевич
Тошкент молия институти, и.ф.н., доцент

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш тенденциялари таҳлил этилган. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада фаоллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ҳаракатлар стратегияси, хорижий инвестиция, эркин иқтисодий зона, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, солиқ имтиёзлари, инфратузилма тармоқлари, инвестицион фаоллик, мегаполис.

ТЕНДЕНЦИИ ОРГАНИЗАЦИИ И РАЗВИТИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН УЗБЕКИСТАНА

В данной статье анализируются тенденции создания и развития свободных экономических зон в Узбекистане. Согласно результатам анализа, в этих зонах было предложено усилить привлечение иностранных инвестиций.

Ключевые слова: Стратегия действий, иностранные инвестиции, свободная экономическая зона, Фонд реконструкции и развития Узбекистана, налоговые льготы, инфраструктура, инвестиционная деятельность, мегаполис.

Кириш.

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида иқтисодиётни либераллаштириш ва бошқарувда давлат аралашувини камайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилишга, инвестицияларни жалб қилиш ва инвестицион муҳитини яхшилашга, бўш иш ўринларини яратиш ҳамда фуқароларнинг моддий фаровонлигининг ўсишига йуналтирилган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва оситаларидан бири ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қайд этиш керакки, ҳозирда мамлакатимиз ҳудудларида 21 та эркин иқтисодий зона ва 130 дан ортиқ кичик саноат зоналари фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг

62 лойиха амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослаштирилган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда[21].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хорижий иқтисодчи олимлардан T.Farole, J.Zhan, И.Шаблинский, В.Попов, Т.П.Данько, К.Yeongjin томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларида эркин иқтисодий ҳудудлар турлари, фаолияти ва инвестицияларни жалб қилиш масалалари ўрганилган. Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари республикамиз иқтисодчи олимлари А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев, Н.Г.Муминов, С.С.Мирзалиева, Ш.И.Мустафақулов, А.А.Остонақулов, М.А.Раимжонова, С.С.Бозаровларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ва ўрганилган.

Юқоридаги олимлар томонидан яратилган иқтисодий адабиётларда эса эркин иқтисодий ҳудудларга турлича таъриф берилган. Хусусан, Т.П.Данько ва З.М.Окрутлар эркин иқтисодий ҳудудларни “...кулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни, илмий фаолиятни рағбатлантириш механизми”[7] сифатида баҳолайдилар.

Мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимлари томонидан эркин иқтисодий ҳудудлардаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда турлича ёндошилади. Шу сабабли, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев, Н.Г.Муминовларнинг фикрича, эркин иқтисодий ҳудуд – бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган ҳудуд[10].

Таҳлил ва натижалар. Эътиборлиси, эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияси очилган [13].

2008 йилда 1 та, 2012-2013 йилларда 2 та, сўнги икки йил мобайнида эса 18 та янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди. Шуниси аҳамиятлики, улар ёрдамида турли ҳудудларда муайян бир фаолиятни янада ривожлантириш, итисодиёт тармоқларига хорижий инвесторларни янада кўпроқ жалб этиш имкони туғилди.

1-жадвал

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар

№	ЭИЗ фаолият йўналиши	ЭИХ номи
1	ЭИЗ саноат тармоқлари (9та)	“Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах”, “Ургут”, “Гиждувон”, “Кўкон”, “Хазорасп”, “Наманган” ва “Сирдарё” ЭИЗ
2	ЭИЗ фармацевтика тармоқлари (7 та)	“Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва

		“Паркент-фарм” ЭИЗ
3	ЭИЗ қишлоқ хўжалик тармоқлари (2 та)	“Балиқ ишлаб чиқарувчи”, “Бухоро-агро” ЭИЗ
4	ЭИЗ туристик тармоқ	“Чорвоқ” ЭТЗ
5	ЭИЗ транспорт логистика соҳаси	“Термиз” ЭИЗ
6	ЭИЗ спорт инвентарларини ишлаб чиқариш бўйича	“Спорт” ЭИЗ

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарларга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун зарурий қонунчилик асослари, солиқ ва божхона имтиёзлари ва турли преференциялар тизими шакллантирилган.

Қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг умумий кўринишида асосий йўналишлари ва мақсадлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни яратиш учун, юқори нархли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш, худуднинг ишлаб чиқариш ва ресурс потенциалидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда, яъни иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

- ташқи бозорда талабгир ва юқори нархли импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни замонавий ишлаб чиқаришни яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий инвесторларни тўғридан тўғри жалб қилиш;

- маҳаллий хом-ашё ва материаллар базасида бутун республика ва эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида саноат кооперациясининг ривожига ва тор кооператив алоқалар асосида юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни локализация қилиш жараёнини чуқурлаштириш;

- ишлаб чиқариш, инженер коммуникацияси, йўл-транспорт, ижтимоий инфраструктура ва логистика хизматларини жадал ўсишини таъминлаш;

- илмий ишлаб чиқариш марказларини яратиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрловида иштирок этиш ва бошқалар.

Эркин иқтисодий зоналарда солиқ имтиёзлари хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантирувчи асосий воситалардан биридир. Эркин иқтисодий зоналарда инвестициявий фаолиятни рағбатлантиришнинг муҳим воситаси корхона даромадидан тўланадиган солиқлар учун имтиёзлар бериш, амортизация ажратмаларининг муддатларини камайтириш ва солиқ кредитлари тақдим этишдир[13].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармони билан

белгиланган инвестиция шартларига кўра бир канча турдаги солиқлардан озод қилиш белгиланди.




1-расм. Ўзбекистонда 2016-2018 йилларда ЭИЗ иштирокчиларининг солиқ имтиёзларидан фойдланиш ҳолати [23]

Берилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, 2016-2018 йиллар давомида умумий қиймати 289 444,9 млн. сўмлик солиқ имтиёзларидан Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари фойдланишган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600-сонли Фармонда қайд этилишича, эндиликда эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда импорт қилинган товарларнинг божхона расмийлаштируви товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига берилган имтиёзлар фақат эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга тадбиқ этилади [18]. Берилган имтиёзлар самарали сифатида айтиш мумкинки, эркин иқтисодий ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларга жалб этилаётган хорижий инвестициялар салмоғи ҳам ортмоқда.

Қуйидаги таҳлилий маълумотлар асосида айтиш мумкинки, ҳозирга қадар Ўзбекистондаги мавжуд эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1191,9 млн. АҚШ доллар бўлган жами 190 тадан ортиқ лойиҳалар амалга оширилган. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 389,4 млн. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар жалб этилган. Келгусида лойиҳаларнинг умумий сонини 500 тага етгазиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларга умумий қиймати 1412,3 млн. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар жалб этилиши режалаштирилмоқда. Ушбу кўрсаткич жами амалга оширилаётган ва истиқболдаги лойиҳалар қийматининг 40 % дан ортиғини ташкил этиши кўзда тутилган.



2-расм. Эркин иқтисодий ҳудудларда амалга оширилган ва истиқболдаги лойиҳалар тўғрисида маълумот [20]

Таъкидлаш ўринлики, ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, улардаги мавжуд инфратузилма тармоқлари, яратилган қулай инвестициявий муҳит, барпо этилган саноат тармоқлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Қуйида ушбу эркин иқтисодий зоналарнинг айримларини батафсил кўриб чиқамиз.

Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4059-сон Фармонида асосан Навоий вилоятининг Кармана туманида биринчи эркин иқтисодий зона – “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди.

2008-2015 йиллар оралиғида “Навоий” эркин иқтисодий зонасига жами 122 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилган. Киритилган инвестициянинг 35%га яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. 2015 йил якуни билан 184,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 5,1 млн. АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган [19].

2019 йил 20 май ҳолатига эса жами 32 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 170 млн. АҚШ долларидан ортиқни ташкил этади [20].

Бугунгача ушбу корхоналар томонидан умумий қиймати 120 млн. АҚШ долларидан ортиқ 50 га яқин истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

“Навоий” эркин иқтисодий зонасида жами лойиҳаларга киритилган инвестициялар улуши бўйича етакчилик қилаётган мамлакатларга – Ҳиндистон (29%), Жанубий Корея (25%), ХХР (8%), Польша (12%) кабиларни киритиш мумкин [12]. Бугунги кунда ушбу хорижий мамлакатлар капитали иштирокида кўплаб саноат корхоналари ташкил этилган. Уларга ушбу мамлакатлардаги юқори технологияларни киритишга ҳам алоҳида аҳамият берилган.

2-жадвал

2015-2019-йилларда “Навоий” эркин иқтисодий зонасининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари [24]

Кўрсаткичлар номи	Йиллар			
	2015	2016	2017	2019 (9 ой)
ЭИЗнинг рўйхатдан ўтган иштирокчилари сони, нафар	22	22	30	33
ЭИЗ ҳудуди, га	564.0	564.0	564.0	645.4
ЭИЗдаги умумий инвестициялар ҳажми, млн. доллар	124.1	124.1	125.1	166.0
Хорижий инвестициялар ҳажми (қайта инвестиция қилинган воситалар ҳажмидан ташқари), млн. доллар	33.8	33.8	33.8	49.5
ЭИЗ резидентлари-корхоналарида бандлар сони, нафар	913	913	923	1250
Маҳсулотларини экспорт қиладиган ЭИЗ резидентлари – корхоналар сони, нафар	6	5	12	7
Маҳсулотларини импорт қиладиган ЭИЗ резидентлари – корхоналар сони, нафар	15	16	17	21
ЭИЗ резидентлар – корхоналарнинг маҳсулот экспорти ҳажми, млн. доллар	4.8	12.3	9.4	5.4
ЭИЗ резидентлар – корхоналарнинг маҳсулот импорти ҳажми, млн. доллар	35.3	20.3	13.1	57.1

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги кунда мазкур эркин иқтисодий зона ўз имкониятларидан тўла фойдаланмаётганлиги сабабли бошқа эркин иқтисодий зоналарга нисбатан олдинроқ ташкил этилишига қарамасдан жалб этилган инвестициялар миқдори мутаносиб эмаслигини кўриш мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг йиллар кесимидаги динамикасини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Маълумотлар асосида айтиш муминки, жалб этилган инвестициялар 2017 йил 1 январ ҳолатига “Навоий” эркин иқтисодий зонасига 179,8 млрд.сўм миқорида жалб этилган бўлса, “Жиззах” эркин иқтисодий зонасидан мазкур кўрсаткич 75,7 млрд.сўм кам эканлигини кўрсатади. Фаолият юритаётган корхоналар сони бўйича 4 тага, ходимлар сони бўйича 2 баробардан ортиққа кам эканлигини кўриш мумкин. Мазкур эркин иқтисодий зонада 2012 йил 69,1 млрд.сўмни ташкил этгани ҳолда 2015 йилда 142,7 млрд.сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2016 йил якуни кўра 2015 йилга нисбатан 8,9 млрд.сўм кам маҳсулотлар ишлаб чиқарилган [20]. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида фаолият олиб бораётган корхоналар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун кўп миқдорда турли хилдаги хом-ашёларни импорт қилиш ҳисобига амалга ошириб келаётганлигини айтиш мумкин. Агарда, ушбу корхоналар ўз

фаолияти давомида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш имкониятини кўпайтирса, маҳаллий тадбиркорлик фаолияти янада кенгайиб, эркин иқтисодий зона миллий иқтисодиётга улуши янада ортади.



3-расм. “Навоий” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) ҳажми, млрд.сўмда [23]

Таҳлил маълумотларидан кўринадики, саноат маҳсулотлар ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда 2013 йилда 69 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса 2017 йилга келиб қарийб 134 млрд. сўмга кўпайган. Бу эса ўз нбватида ЭИҲ саноат маҳсулотлар салмоғ ошиб бораётганлигидан далолат беради.

“Навоий” эркин иқтисодий зонасида яқин икки йилда 32 та янги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Уларнинг натижасида 1 минг 660 га яқин иш ўрни яратилиб, 138 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Қиёс учун: 2010-2016 йилларда 22 лойиҳа бажарилиб, 904 та иш ўрни яратилган ва 20 миллион долларлик экспорт қилинган. Ушбу эркин иқтисодий зонада амалга ошириладиган лойиҳалардан бири Ғазғон мрамари ва гранит бўлақларидан композит тош маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Бундай материал жуда ноёб ва экспортбоп бўлиб, мазкур корхона шу йўналишдаги дунёдаги бешинчи завод бўлади. Лойиҳа натижасида йилига 12 миллион долларлик материаллар экспорт қилинади [20].

Президентимиз шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Умумий қиймати 97 миллион еуродан ортиқ бўлган мазкур корхонага Германия, Франция ва Хитой технологиялари ўрнатилади. Қурилиш ва саноат учун ойналар, шиша идишлар ишлаб чиқарилади [21].

Қуйида биз яна бир юқори иқтисодий салоҳиятга ва катта имкониятларга эга бўлган “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси ҳақида фикр юритамиз. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 13 апрелда қабул қилинган “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ-4436-сон Фармони асосида мамлакатимизнинг Тошкент вилояти худудида “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди.

Фармонда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш орқали рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш учун хорижий ва маҳаллий

инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш каби мақсадлар кўзда тутилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи, ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 45 фоизи, пўлат ва металл прокатнинг 100 фоизи, рангли металлларнинг асосий қисми айнан Тошкент вилоятининг ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам бу ерда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қандай қулай муҳит яратилганлигини тасдиқлайди [8].

Мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳригача 80 км, Фарғона водийсига қадар 240 км. масофада жойлашган “Ангрен” эркин иқтисодий зонасининг умумий майдони 14,5 минг гектар бўлиб, ушбу майдон Тошкент вилоятининг Ангрен ва Оҳангарон туманлари ҳудудида барпо этилган. Мазкур эркин иқтисодий зонада “Ангрен” халқаро логистика маркази ҳам фаолият олиб боради. Унинг ҳудуди 30 гектарни ташкил этиб, 300 дан ортиқ юк автомашиналарини қабул қилишга ҳамда 4 млн.тонна юк операцияларини бажариш қувватига эга [14].

Ривожланган мамлакатларда ташкил этилган ЭИҲлар сингари “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардир:

- ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

- махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минералхом-ашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

- махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустақам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом-ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, “Ангрен” логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобиль ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш [1].

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасида минерал хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича корхоналарни ривожлантириш, маҳаллий хом- ашё базасида юқори технологик маҳсулот ва яқин кооперация алоқалари ўрнатиш асосида материаллар ишлаб чиқариш ҳамда эркин иқтисодий зона ҳудудида

жойлашган корхоналар ўртасида ва умуман республика бўйича саноат кооперациясини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бу борадаги ишларнинг сифат даражасини ошириш мақсадида техник ва технологик янгилаш ишлари жадаллик билан олиб борилди. Хусусан, “2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Булар қаторида ... “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида “Оҳангарон” подстанциясини реконструкция қилиш, “Бекобод цемент” очик акциядорлик жамиятида янги линия қуриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган цемент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, “Қуюв-механика заводи” шўба корхонасида металл куйишни реконструкция қилиш ва бошқа йирик лойиҳалар борлигини алоҳида қайд этиш лозим” [9]. Бугунги кунда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида рўйхатга олинган корхоналар сони 2018 йил 1 октябрь ҳолати бўйича 82 тага етди. Умумий инвестициялар ҳажми 895 млн. АҚШ долларидан ошди, шундан (қайта инвестиция қилинган воситаларни ҳисобга олиб) 483 млн. долларни хорижий инвестицияни ташкил этади. “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси томонидан 2320 та доимий иш ўринлари яратилди. 2018 йилнинг 9 ойи мобайнида ЭИЗнинг 57 корхоналари 9,3 млн долларлик махсулотни экспорт қилинди.

Мазкур эркин иқтисодий зонада фаолият кўрсатадиган корхоналарга, киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб, кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилади, уларнинг инфратузилма объектлари ва коммуникацияларга кафолатли уланиши таъминланади.

3-жадвал

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасида амалга ошириладиган ва истиқболдаги лойиҳалар таҳлили [20]

Кўрсаткичлар	Лойиҳалар сони	Лойиҳалар қиймати (млн. долл.)		Иш ўринлари сони
		Умумий қиймати	шундан, хорижий инвестиция	
Жами амалга оширилган лойиҳалар	50	585,3	221,4	4409
Жами амалга оширилаётган лойиҳалар	51	605,3	481,3	6 819
Жами истиқболли лойиҳалар	10	96,3	59,5	1 629
ЖАМИ:	111	1286,9	762,2	12857
Ушбу кўрсаткичлар Ўзбекистон бўйича жами	673	4647,1	1801,7	52 257
Жами ЭИЗлар бўйича кўрсаткичлардаги улуши, %	16 %	27,7 %	42,3 %	25 %


“Ангрен” эркин иқтисодий зонасининг қатнашчилари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон Фармонига мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар учун белгиланган умумий имтиёзлар тизими амал қилади.

Бундан ташқари, “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси қатнашчиларига ҳудудда бўш турган корхоналар ва давлат мулки ҳисобланган мол-мулк “нол” сотиш қиймати бўйича сотилади.

Ҳозирда “Ангрен” ЭИЗумумий мамлакатда ташкил этилган ЭИХ орсид арийрим кўрсаткичлар билан етакчилик қилмоқда ҳусусан хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида жами ЭИХнинг 42,3% улушига, иш ўринларни яратилиши бўйича 25%га эгалик қилмоқда. “Ангрен” ЭИЗ яратилган қулай шарт-шароитлар Тошкент вилоятига инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоятнинг ЯҲМнинг ортиб боришида хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўсиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, 2012 йилда 323,6 млрд.сўм хорижий инвестиция ва кредитлар иқтисодиёт тармоқларига жалб этилган бўлса, 2016 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2 баробардан зиёдга ортган. Яъни, ҳисобот йилида 668,3 млрд. сўмни ташкил этган. Қолаверса, 2012 йилга нисбатан 2016 йилда вилоятнинг ЯҲМ ҳам икки баробардан зиёдга ўсган [15].


Бугунги кунда мамлакатимиз ЯИМ ҳажми иқтисодий ислохотларнинг самараси ўлароқ, йилдан-йилга ошиб бормоқда. Мисол учун 2013 йилда 120 млрд. сўмлик ЯИМ яратилган бўлса 2018 йилга келиб эса 407 млрдга кўпайиб 5 йил мобайнида қарийб 4 баробарага ошганлигини кўриш мумкин. Таҳлили маълумотларидан кўринадик, юқори салоҳиятга эга бўлан Тошкент вилояти мос равишда мамлакат ЯИМ деярли 10%га эгалик қилмоқда.



4-расм. 2013-2018 йилларда Тошкент вилоятининг ЯҲМ ва унинг республика ЯИМдаги улуши [23]

Тошкент вилояти инвестицион фаоллик борасида ҳам юқори салоҳиятли ҳудудлардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини

модернизация қилиш давлат дастурлари доирасида йирик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши вилоятда инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига замин яратмоқда.



5-расм. Тошкент вилоятининг 2013-2018 йилларда ҳудудларга киритилган ҳорижий инвестицияларидаги улуши [23], % да

Вилоятда ҳорижий инвестициялар ўсиш даражаси 2013 йилда 342,2 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 50 %га кўтарилиб 677,6 млрд. сўмга кўпайганлигини 2018 йилга келиб эса 1760 млрд. сўмга кўтарилиб таҳлил этилган йилларда 5 баробарга кўпайганлигининг кўриши мумкин. Бу ҳолатни вилоятда яратилган инвестициявий муҳитнинг ижобий томонга ўзгарётганлигидан далолат беради.

Албатта, ушбу ҳорижий инвестицияларни вилоят иқтисодиёт тармоқларига жалб этишда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасининг ҳам улуши салмоқлидир. Мазкур зонадаги йирик лойиҳалар “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг ва “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компаниялари, Олмалик кон-металлургия комбинати, “Ўзбекчармпойабзали” ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмалари ҳамкорлигида Буюк Британия, Жанубий Корея, Сингапур, Австрия, Ҳиндистон, Болгария ва бошқа давлатларнинг етакчи компаниялари орасидан танлаб олинган инвесторлар кўмагида ҳаётга татбиқ этиляпти. Жумладан, “Бугунги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонасида Кореянинг “Шиндонг Энерком” компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи иккинчи завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида ушбу маҳсулот юқори самарали фотоэлектрик қуёш панеллари ишлаб чиқариш учун хомашё манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин” [9]. Ушбу ҳудудда 100% хориж капитали иштирокида ташкил этилган “Ангрен шакар” заводи суткасига 1000 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 550 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. 2013 йилда ташкил этилган “EGL-NUR” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси “Ўзбекэнерго” ДАК ва Жанубий Кореянинг “EGL Lightings” компанияларининг ҳамкорлиги натижасида барпо этилган [19].

Эркин иқтисодий зонаси ҳудудида импорт ва экспорт операцияларини амалга оширишда айнан “Ангрен” божхона постига мурожаат қиладилар.

Тадқиқотлар натижасига кўра 2017 йилда 43 та “Ангрен” эркин иқтисодий зонасиси иштирокчилари томонидан 254,8 минг тонна умумий ҳажмда 218,04 млн. АҚШ долл. миқдорида маҳсулотларнинг экспорт - импорти амалга оширилган, 2018 йилнинг январь – август даврида эса ушбу кўрсаткич 182,18 млн. АҚШ долл. миқдорида 174,6 минг тоннага етди. Шунингдек, “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси иштирокчиларининг экспорт ва импорт қилинган маҳсулотлари тоифаларига нисбатан тадқиқотлар ўтказилди. Хусусан, 2017 йилда уларнинг нарҳини солиштирма нисбати доирасида биринчи бешталикка қуйидаги маҳсулотлар кирди:

- Шакарқамиш ёки лавлагили ва кимёвий тоза шакар қаттиқ ҳолатда умумий 155,97 млн. АҚШ долл. маблағида 240 минг тонна ҳажмни ташкил қилади ва “Ангрен” эркин иқтисодий зонасининг барча иштирокчиларининг ушбу давр ичида экспорт ва импорт қилган маҳсулотлар умумий маблағининг 24% ташкил қилади;

- Қазилмаларни саралаш ва аралаштириш ускуналари - 1,54 минг тонна ҳажмда 29,82 млн. АҚШ долл. миқдорида (солиштириш нисбати – 13,7%)

- Саноат ёки лаборатория печлари ва камералари умумий 8,57 млн. АҚШ долл. қийматида 5,15 минг тоннани ташкил қилади (3,9%);

- Шиша буюмларини тайёрлайдиган машиналар умумий қийматда 6,78 млн. АҚШ долл.ни ташкил қилиб 403,4 тонна ҳажмни ташкил қилади (3,1%);

- Ускуналар учун эҳтиёт қисмлари умумий қийматда 5,62 млн. АҚШ долл. 273,52 тонна ҳажмни ташкил қилади (2,6%) [15].

Умуман олганда, вилоятнинг инвестициявий салоҳиятига таъсир этувчи жиҳатлардан яна бири – туризм соҳасини ривожлантиришдир. Тошкент вилоятида туризм соҳаси ривожланишига киритилаётган инвестициялар ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

4-жадвал

Тошкент вилоятида 2017-2021 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш асосий кўрсаткичларининг прогноз параметрлари [25]

Кўрсаткичлар	йиллар бўйича ўсиш суръатлари (%)					
	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2021 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиш (марта)
Туризм хизматлари жами	17,8	18,3	18,5	18,7	18,9	2,7
<i>шу жумладан:</i>						
туристик хизматлар	129,2	129,8	130,2	130,5	130,7	4,8
меҳмонхона хизматлари	117,4	117,5	117,7	117,8	118,0	2,6
сайёҳлар сони	115,4	115,8	116,3	116,5	116,8	2,4
маҳаллий	114,5	114,7	114,9	115,3	115,5	2,3
хорижий	130,3	130,6	131,0	131,5	131,8	5,0
Туризм экспорти жами	122,4	122,6	123,1	123,5	124,0	3,5

Бу борада 2017-2021 йилларга мўлжанланган вилоятда туристик хизматларни диверсификация қилиш ва янги туристик маршрутларни ташкил

этиш борасида тасдиқланган дастур доирасида 288,7 млрд.сўмлик инвестицияларни ўзлаштириш мақсад қилинган. Бу келгусида вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим ўринга эга.

Тошкент вилоятида 2017-2021 йилларда туризм соҳасини ривожлантиришдаги асосий кўрсаткичларнинг прогноз параметрлари таҳлили туризм хизматлари 2021 йилда 2016 йилга нибатан 2,7 марта, туризм хизматлари экспорти 3,5 мартага ўсиши режалаштирилган.

Хулоса ва таклифлар.Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини жадал ривожлантириши, уларга хорижий инвесторларни жалб этиш, резидентларни ички инвестиция салоҳиятини эркин иқтисодий зоналар учун йўналтириш, эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолият самарадорлигини узлуксиз таъминлаш – мамлакатнинг инвестициявий салоҳиятига таъсир этувчи асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда эркин иқтисодий ҳудудларни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишдаги инвестициялар учун “мегаполис”, хорижий фирмаларнинг аста-секин миллий иқтисодиётга интеграциялашув воситаси, иқтисодиёт либераллашувининг асосий шартларидан бири сифатида баҳолаш ўринлидир. Шу сабабли эркин иқтисодий ҳудудни режалаштириш босқичидаёқ чет эл фирмаларининг маҳаллий тадбиркорлар билан бевосита ва тескари алоқаларини ўрнатиш имкониятларини кўзда тутиш зарур. Бундай алоқалар маҳаллий хом-ашё товарларини, компонентларни, ярим тайёр маҳсулотларни, мажмуавий асбоб-ускуналарни ва хизматларни олиш имкониятини таъминлаши зарур.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида фикримизча вилоятнинг инвестициявий-иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвесторларни жалб этишдаги муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг ривожланганлиги хорижий ва маҳаллий инвесторлар фаолият самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида қайд этилади. Бу каби масалаларни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга ошириш мақсада мувофиқдир.

- бўш турган давлат объектлари негизида саноатнинг айрим тармоқлари учун кичик саноат зоналарини барпо этиш мумкин, жумладан Тошкент вилоятининг Пискент туманида маиший техника воситаларини ишлаб чиқаришга мўлганланган кичик саноат зонасини, Янги йўл туманида фойдаланилмаёган давлат объектлари негизида кичик саноат зоналарини ташкил этиш мумкин;

- саноат маҳсулотлари ва кичик саноат зоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини фьючерс шартномалари орқали сотиш амалиётини йўлга қўйиш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида” Фармони. 2012 йил 13 апрель, ПФ-4436-сон,

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 16-сон, 177-модда).

2. Farole, T. (2011). Special economic zones in Africa: comparing performance and learning from global experience. Directions in Development; trade. World Bank.

3. Zhan, J. X., J. Karl (2016). “Investment Incentives for Sustainable Development” (<https://worldinvestmentforum.unctad.org>).

4. Шаблинский И. Г. Таможенные процедуры и логистика. Правовая поддержка М. Альпина Паблишер, 2007.

5. Papava Vladimir. The Immortal idea of a free economic zones, Georgian Foundation for Strategic and International Studies, 1-16 p. 2007

6. Kim Yeongjin. Shanghai Pudong new area development strategy, Invest Korea Agency pages 13-15. 2016.

7. Данько Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М.-1998. С:168.

8. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т-“Ўзбекистон” НМИУ, 2015, 164-бет.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22-жилд. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014, 196-бет

10. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет

11. Мирзалиева С.С. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: . И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати. Тошкент. ТДИУ, 2001. 28-бет.

12. Раимжонова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослар, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. “Extremum-press” нашриёти, 2013 й., 173 б. Монография, – Тошкент, 2013 й., 115-б.

13. Камалов М.М. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақоми. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. 5-бет.

14. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований (ИПМИ) “Состояние и перспективы развития свободных экономических зон в Республике Узбекистане” Аналитический доклад. Т.: - 2015.

15. Доклад по проекту “Оценка эффективности свободных экономических зон (СЭЗ) в Узбекистане: законодательные, инвестиционные, экономические, социальные и экологические аспекты”. Центр “Стратегия развития”. Ташкент-2018.

16. George Mason University, Fairfax, VA, USA. Journal of Institutional Economics. The political economy of special economic zones. <https://www.cambridge.org>

17. Ch. Panduranga Reddy, A. Prasad & M. Sampath Kumar. Balanced Regional Development of India through Special Economic Zones: An Empirical Study <https://www.tandfonline.com>

18. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг расмий веб сайти (<http://customs.uz>) маълумотлари асосида
19. www.navoi.uz (Навоий вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайти)
120. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг расмий маълумотлари.
21. <http://www.president.uz>
22. <http://www.xs.uz>
23. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг расмий маълумотлари.
24. “Навоий” эрикн иқтисодий зонаси Дирекцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини комплекс ўрганиш натижалари бўйича йиғма таҳлилий материал. – Т.: “Sano-standart” – 2017. 265-бет.